

-сонли иш

Биринчи инстанция судида ишни
кўрган судья М.Б.Байбекова
Апелляция инстанция судида
маърузачи судья О.М.Гулямова

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И

2025 йил июнь ойининг 17 куни Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати:

раислик қилувчи – судья Б.Б.Абдурахимов,

ҳайъат аъзолари – судьялар Ш.И.Ахроров ва О.М.Гулямовадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Б.Мадартов котиблигида, тарафлардан:

МЧЖ вакиллари

(2025 йил 21 апрелдаги ишончномалар асосида), “Minicam Super Security” МЧЖ вакили Д.А.Худжанов (2025 йил 13 майдаги ишончнома ва 2025 йил 23 апрелдаги 13-сонли ордер асосида) иштирокида, “Minicam Super Security” МЧЖнинг апелляция шикоятига асосан Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 7 майдаги ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини иш ҳужжатлари билан бирга Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати биносида, очиқ суд мажлисида видеоконференцалоқа режимидан фойдаланган ҳолда текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Адлия вазирлигидан 2025 йил 6 январда МГУ 56755-сон билан рўйхатдан ўтган гувоҳномага кўра “Samcom” товар белгисига эга бўлган (даъвогар) Тошкент туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, ушбу товар белгисига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, мутлақ ҳуқуққа эгаллиги ва бу ҳуқуқ давлат муҳофазасида эканлиги, бироқ “Minicam Super Security” МЧЖ (жавобгар) ўзининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 26 уй, 46 хонадонда жойлашган савдо дўконида даъвогарга тегишли бўлган товар белгилари маҳсулотларни реализация қилаётганлиги, бу билан жавобгар “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Қонун)нинг 26 ва 27-моддалари қоидалари бузаётганлиги, мазкур Қонун 26-моддасининг тўртинчи қисмида, товар белгисидан унинг эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар товар белгиси эгасининг талабига кўра етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаши шартлиги, товар белгисининг эгаси ўзининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда товар белгисидан фойдаланаётган шахсдан зарарларнинг қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма

бараваридан минг бараваригача миқдорда товон тўлашини талаб қилиши мумкинлиги белгиланганлиги асоси билан “Minicam Super Security” МЧЖ (жавобгар) ҳисобидан 375 000 000 сўм компенсация ундиришни сўраган.

Суднинг 2025 йил 23 апрелдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2025 йил 7 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 11 250 000 сўм жарима ва 37 500 сўм почта ҳаражати ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан жавобгар томонидан апелляция шикоятни берилиб, унда даъвогар даъво талабининг бевосита предмети ҳисобланган “Samcom” товар белгисини 2025 йил 6 январда давлат рўйхатидан ўтказганлиги, унга товар белгисига доир ТВ 56755-сон гувоҳнома берилганлиги, яъни товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқлар 2025 йил 6 январь санасида вужудга келганлиги, шу сабабли даъвогарнинг жавобгар томонидан унинг товар белгисидан 2022 йилдан буён фойдаланиб келаётганлиги сабабли 375 000 000 миқдорида бой берилган фойда вужудга келганлиги важдари ҳуқуқий асосга эга эмаслиги, текширувда аниқланган 300 дона маҳсулотларни жавобгар даъвогар олиб келаётган Хитой давлатидаги заводдан олиб келаётганлиги, ҳар иккала тараф олиб келган маҳсулотлар оригинал маҳсулотлар эканлиги, бундан ташқари Адлия вазирлиги ходимлари даъвогарда ТВ 56755-сон “Samcom” товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар пайдо бўлган пайтдан кейин олиб кирилган товарларга нисбатан эмас, балки мутлақ ҳуқуқлар вужудга келмасдан илгари олиб келинган товарларга нисбатан ҳам ҳуқуқий таъсир чораси (тақдимнома киритилган)ни қўллаб юборганлиги, шу сабабли Адлия вазирлигига ҳуқуқий таъсир чорасини тўхтатиб туриш ҳақида ариза киритилганлиги, шунингдек Адлия вазирлиги апелляция Кенгашига даъвогарга берилган гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида шикоят берилганлиги ва шу муносабат билан иқтисодий ишни юритишни тўхтатиб туриш ҳақида илтимоснома берилганлиги, бироқ ушбу ҳолатларни суд инобатга олмаганлиги, илтимоснома кўриб чиқилмаганлиги ҳақида важдлар келтирилиб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш сўралган.

Суд мажлисида жавобгар вакили апелляция шикоятида келтирилган важдларни қўллаб-қувватлаб, ундаги важдларни такрорлаб, судга ёзма илтимосномалар тақдим этиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги апелляция Кенгашида кўриб чиқиладиган “Samcom” товар белгисига берилган ТВ 56755-сон гувоҳноманинг ҳақиқийлигига оид низо қонуний ҳал этилиб апелляция

Кенгаши томонидан якуний ҳужжат чиқарилгунга қадар 4-1001-2517/33258-сонли иқтисодий иш юритишни ИПКнинг 9-боби қоидаларига асосан тўхтатиб туришни ҳамда судга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан мутахассис чақиртиришни, шунингдек шикоятни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида даъвогар вакили апелляция шикоятида келтирилган важларга нисбатан эътироз билдириб, жавобгар вакилининг ёзма илтимосномаларини ҳамда шикоятни қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд мажлиси ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган учинчи шахс суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади. Иш ҳужжатларида суд ажримининг кўчирма нусхаси учинчи шахсга топширилганлигини тасдиқловчи почта идорасининг хабарномаси мавжуд.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати ишни учинчи шахс вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Судлов ҳайъати маърузачи судьяни, ишда иштирок этувчи шаҳасларнинг тушунтиришларини тинглаб, апелляция шикоятида келтирилган важларни, шунингдек жавобгар вакилининг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳамда мутахассис иштирокини таъминлаш тўғрисидаги илтимосномаларини иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан жавобгар вакилининг илтимосномаларини қаноатлантиришни рад этишни, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, “Radiocom” МЧЖ (даъвогар) ҳозирда “Samcom” (ТВ 56755-сон) товар белгисига эга бўлиб, ушбу товар белгиси 2025 йил 6 январда рўйхатга олинган. Унинг амал қилиш муддати 2035 йилга қадар.

Даъвогарнинг 2025 йил 26 мартдаги мурожаати асосида Адлия вазирлиги томонидан жавобгарнинг интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя қилиниши юзасидан белгиланган тартибда текширув ўтказилган. Текширув давомида жавобгарда ҳуқуқбузарлик ҳолати мавжудлиги тасдиқланиб, жавобгарнинг савдо дўконида 300 дан ортиқ контрафакт рация маҳсулотлари мавжудлиги аниқланган.

Шу сабабли Адлия вазирлиги томонидан жавобгарга тақдимнома юборилиб, унда бажарилиши лозим бўлган мажбурий кўрсатмалар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик (ФК) 1103-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларига кўра, товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида ҳуқуққа эга.

Товар белгисининг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгасига тегишлидир.

ФК 1034-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг рухсати билан йўл қўйилади.

Қонун 26-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларига кўра, товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Товар белгисидан унинг эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда фойдаланаётган шахслар товар белгиси эгасининг талабига кўра етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаши шарт. Товар белгисининг эгаси ўзининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда товар белгисидан фойдаланаётган шахсдан зарарларнинг қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда товон тўлашини талаб қилиши мумкин. Бунда товон зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусиятидан ва товар белгиси эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузган ҳолда товар белгисидан фойдаланаётган шахснинг айби даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи одатлари ҳисобга олинган ҳолда тўланади. Товон миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки суд томонидан белгиланади.

Қонун 7-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Иш ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакилининг ёзма фикри мавжуд бўлиб, унда жавобгар томонидан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз товар белгисидан фойдаланаётганлиги, хусусан жавобгарнинг савдо дўконидан 300 дан ортиқ контрафакт маҳсулотлар мавжудлиги аниқланганлиги, шу сабабли жавобгарга тақдимнома киритилганлиги келтирилган (и.х. 101 в.)

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида CN” Хитой компаниясининг Ўзбекистон Республкаси Адлия вазирлигига йўналтирилган хати мавжуд бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида “Samcom” товар белгисини рўйхатдан ўтказишга розилик берилиб, Компания томонидан “Samcom” товар белгилари маҳсулот “Radiocom” МЧЖ учун, тарафлар ўртасида тузилган шартнома доирасида Ўзбекистон Республикаси ва қўшни ҳудудларда маҳсулотни реализация қилиш учун ишлаб чиқарилаётганлиги акс эттирилган (и.х. 84 в.)

Қонун 26-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ ҳисобланган базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда товон бу- 7 500 000 (375 000 х 20) сўмдан

375 000 000 (375 000 x 1000) сўмни ташкил қилади.

Шу сабабли, биринчи инстанция суди даъво талабини асосли деб ҳисоблаб, талаб қилинган товон миқдорини бузилган мажбурият оқибатларига номутаносиб деб топиб, уни 11 250 000 сўмга қадар камайтириб қонуний тўхтамга келган бўлсада, ҳал қилув қарорида “компенсация” сўзларини “бой берилган фойда” ва “жарима” сўзлари билан ифодалаб хатоликка йўл қўйган.

Бироқ, ушбу ҳолат мазмунан тўғри ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўла олмайди.

Шу сабабли судлов ҳайъати ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмларидаги “бой берилган фойда” ва “жарима” сўзларини “компенсация” сўзлари билан алмаштирган ҳолда ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Шунингдек, суд мажлисида жавобгар бугунги кунда Адлия вазирлиги Апелляция кенгашига даъвогарга берилган гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида шикоят берилганлиги, бугунги кунда ушбу шикоят кўриб чиқилмаганлиги ва шу муносабат билан мазкур иқтисодий ишни юритишни тўхтатиб туришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 101-моддасининг 1-бандига асосан, мазкур ишни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд, маъмурий суд ёки иқтисодий суд томонидан кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан, шунингдек тергов ҳаракатлари олиб борилаётган иш юзасидан қарор қабул қилингунига қадар кўриш мумкин бўлмаганда, суд иш юритишни тўхтатиб туриши шартлиги белгиланган.

Мазкур ҳолатда, судлов ҳайъати илтимосномада келтирилган важлар иқтисодий ишни тўхтатиб туриш учун асос бўла олмайди деб ҳисоблаб, илтимосномани қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Аниқланишича, биринчи инстанция судида ҳам жавобгар вакили томонидан шу мазмундаги илтимоснома (2025 йил 30 апрелда) тақдим қилинган бўлиб, бироқ биринчи инстанция суди томонидан илтимоснома муҳокама қилинмаган.

Бироқ, ушбу ҳолат ҳам суд ҳужжатини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати жавобгар вакилининг суд мажлисига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлидан мутахассис иштирокини таъминлаш тўғрисидаги илтимосномасини ҳам муҳокама қилиб, биринчи инстанция судида вазирлик вакили иштирок этганлиги ва ўз фикрини ёзма равишда билдирганлиги, иш ҳужжатларида вакилнинг ёзма фикри мавжудлигини инобатга олиб, суд муҳокамасида мутахассис иштироки зарурияти мавжуд эмас деб ҳисоблаб, илтимосномани қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Мазкур ҳолатда биринчи инстанция суди томонидан ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилмаган, ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосалар иш ҳолатларига мувофиқ бўлиб, апелляция шикоятда келтирилган важлар асосида ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас.

Баён этилганларга асосан судлов ҳайъати жавобгарнинг илтимосномалари ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмларидаги “бой берилган фойда” ва “жарима” сўзларини “компенсация” сўзлари билан алмаштирган ҳолда ўзгаришсиз қолдиришни, апелляция шикояти учун олдиндан тўланган 375 000 сўм давлат божи ва 37 500 сўм почта харажатларини жавобгарнинг зиммасида қолдиришни, шунингдек жавобгардан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига 93 750 сўм видеоконференцалоқа харажати ундиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 278-моддаси биринчи қисмининг 1-банди ва 280-моддасига асосланиб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и:

МЧЖнинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳамда мутахассис иштирокини таъминлаш тўғрисидаги илтимосномаларини қатъий рад қилиш.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 7 майдаги ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмларидаги “бой берилган фойда” ва “жарима” сўзлари “компенсация” сўзлари билан алмаштирган ҳолда ўзгаришсиз, апелляция шикояти эса қаноатлантирмасдан қолдирилсин.

МЧЖ ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига 93 750 сўм видеоконференцалоқа харажати ундирилсин ва бу ҳақда ижро варақаси берилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради ва мазкур қарор устидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибидаги шикоят (протест) берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Б.Б.Абдурахимов

ҳайъат аъзолари



Ш.И.Ахроров

О.М.Гулямова